

**Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!**

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlari ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2014-yil 26-noyabr, chorshanba  
№ 95 (15837)

## СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг тақлифига биноан 24-25 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Икки давлат раҳбарлари анъанавий дўстлик ва очиқлик руҳида ўтган музокаралар чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг асосий масалалари, савдо-иктисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама этидилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни 2013 йилнинг июнь ойида Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозогистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожлантириш икки мамлакат халқларининг туб манфа-

атлари, уларнинг тарихий ва маданий яқинлиги, вақт синовидан ўтган мустаҳкам дўстлик ва қардошлиқ ришталарига мослигини, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, уни барқарор ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Президенти таъкидланидек, томонлар мазкур ташрифга олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми, Ўзбекистон билан Қозогистоннинг кўп томонлама муносабатларини таҳлил қилиш учун қулай имконият сифатида қарамоқда.

Маълумки, глобал ривожланиш бекарорлик билан кечмоқда, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози оқибатлари ҳамон кескинлигича қолмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, савдо-иктисодий ва инвестицион ҳамкор-

ликни янада фаоллаштиришдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди. Президентлар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун икки мамлакатда ҳам улкан салоҳият мавжудлигини, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, институтлар ва форумлар доирасида Ўзбекистон – Қозогистон муносабатларини янада ривожлантиришга томонларнинг интилиши муштарак эканини таъкидлайдилар.

Давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Ушбу мамлакатда тинчликка эришилиши минтақамиз ва унинг ташқарисида ҳам хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Марказий Осиёда мустаҳкам тинчлик ва барқарор иктиносий тараққиётни таъминлашда Ўзбекистон ва Қозогистоннинг умумий масъулиятини инобатга олган ҳолда, тероризм, экстремизм, наркотиклар ва курол-яргонинг ноқонуний айланиши,

шунингдек, минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликнинг бошқа хавф ва таҳдидларига қарши курашида ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олдилар.

Президентлар музокаралар чоғида иктиносий муносабатларни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Қозогистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидандир, икки томонлама савдо алоқалари жадал ва изчил ривожланиб бормоқда. Глобал иктиносий жараёнлардаги кескин ўзгариш ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатларга қарамасдан, мамлакатларимиз ўзаро савдо алоқалари даражасини нафақат сақлаб қолиш, балки янада ривожлантиришга эришмокда. Хусусан, 2013 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш хажми 14 фоиз ўсиб, 3,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил қилди. Жорий йилнинг ўтган тўқиз ойида эса бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан ошди.

(Давоми 2-саҳифада)

Kun voqeasi

## Жаҳон опера юлдузлари Ўзбекистон саҳнасида

Опера мусиқали драматик санъат турларининг чорраҳасида жойлашган ижодий жанр бўлиб, унда драматургия, мусиқа, тасвирий ва рақс санъати шакллари яхлит композиция ҳосил қиласди. Операнинг адабий асоси — либреттодаги воқеалар мусиқа ва драматургия билан шакллантирилади. Қаҳрамоннинг ички ҳиссий кечинмалари, дарду қувончини жонли ва ўта таъсирли қилиб етказиб берувчи ария ва каватина каби тугал мусиқий лавҳалар барча санъат мухлисларини ўз сеҳрли оламига олиб кириб, кучли ҳиссиётлар уммонига фарқ қиласди, эстетик завқ бағишилаб, тана ва руҳга бирдек маънавий ҳордиқ беради. Пойтахтимизда жаҳоннинг кўплаб ёш опера ижроиларига дунёнинг энг нуфузли саҳналарида италян операси ижроси бўйича ўз қобилиятини намойиш қилиш имкониятини тақдим этаётган «Competizione dell' Opera» XIV ҳалқаро танлови бошланди.



3-саҳифага қаранг

Zulfiya tavalludining  
100 yilligiga

## ҲАЁЛӢ ВА МУҲАББАТ ҚҮЙЧИСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон ҳалқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини ўқиб, жуда севиндим.

Қарорда белгиланган тадбирлар — шоиранинг сайланма асрлари, инглиз ва қоракалпоқ тилларига таржима қилинган шеърий тўпламларининг нашр этилиши, ҳаёти ва ижоди ҳакида мушоиралар, адабий анжуманлар ўтказилиши, китоблар чоп этилиши, хужжатли фильм яратилиши замирида юксак эҳтиром нишонасини кўрдим. Бу учун гўзал байрам, устознинг барҳаёт ижодидан куч-куват, илҳом олиш учун яна бир улкан имконият бўлди.

Устозимизнинг бутун ҳаёти, залворли ижоди, шогирдларига меҳру муҳаббати, тонг нуридай мусаффо вафо ва садоқати кўз ўнгимда қайтадан жонланди. Зулфияхонимнинг меҳригиёси, оҳанрабоси бор эди. У билан бир бор сұхбатлашган киши шоиранинг меҳру муҳаббати, муомаласига мафтун бўлар, бу дилкаш учрашувни умрбод эслаб юради.



Ўзбекистон ёшлиарини  
бон нашри —  
«Turkiston»  
2015 йилда ҳам  
сизларни  
маслакотининг  
ҳамроҳиниң бўлади.  
«TURKİSTON»ГА  
ОБУНА БЎЛИНГ!

Им sarhadlarida

## Илм-фан тараққиётнинг асосидир

Мамлакатимизда замонавий илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга илгор технологияларни жорий этиш ва шу орқали иктиносидётимизни янада юқсалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда ўшларнинг иштироки қандай? Техника ва технологиялар соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган тенгдошларимиз учун қандай имкониятлар яратилган? Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техникауниверситети доценти, техника фанлари номзоди, халқаро экология ва хавфсизлик фанлари академияси академиги Сайджаббор Сайджосимов билан сұхбатимизнинг мавзузи шу ҳақда бўлди.



5-саҳифага қаранг

(Давоми 4-саҳифада)



Ma'naviyat

# Йилнинг энг фаол тарғиботчиси аниқланди

Пойтахтимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимидағи «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови-нинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Маънавият инсоннинг қано-тидир. Бугун юртимизда барча соҳалар қатори маънавиятга ҳам катта эътибор қаратилиб, бу борада улкан ишлар ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг «Мил-лий фоя тарғиботи ва маъна-вий-маърифий ишлар сама-радорлигини ошириш тўғри-сида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ушбу кўрик-танлов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳар йили анъана-вий тарзда ўтказиб келинади.

«Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови ёшлар қалбида Ватнга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик тўйгуларини шакллантириш, миллий қад-риятларимизнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини ҳар то-монлама очиб бериш, давла-тимиз сиёсатининг устувор



Рустам Назарматов оғлан сурʼатлар

йўналишлари, ислоҳотлар-нинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини тушунтириш, комил инсон тарбияси билан боғлиқ фазилат ва тушунчаларни ёш авлод онгига таъсирчан усул ва услублар орқали сингдириш мақсадида ўтказилади.

Танловнинг биринчи босқичи шу йилнинг сентябрь, иккинчи босқичи октябрь ойларида ўтказилган эди.

Минтақавий босқичда Голиб бўлган 14 нафар иштироқчи пойтахтда ташкил этилган якуний босқичда бел-

лашди.

Кўрик-танлов республика Маънавият тарғибот, Миллий фоя ва мафкура илмий-амалий марказлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, республика «Тасвирий ойина» ижодий ўюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика Байналмилал маданият маркази ҳам-

корлигига ташкил этилди.

Иштирокчиларни баҳо-лашда уларнинг миллий фоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича фаолиятига доир дастурлари, режа-лари, уларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилганини тасдиқлайдиган жамоатчилик фикри, ҳужжатлар сифати, ўтказилаётган ғоявий-мағкуравий, маънавий-маърифий тадбирлар ранг-баранглиги, долзарблиги, маъруза матнлари таҳлили, ўзи ўтказаётган тадбирлар йўналишига малакавий жиҳатдан мос келиши, омма-

Tengdoshlar ijodi

## «Ватан келажаги сенинг кўлингда!»

Ёшлар ижод саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма иккى йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқи кафолати» лойиҳаси доирасида ги «Ватан келажаги сенинг кўлингда!» ва «Мен сайловга тайёрман!» шиори остида расмлар кўргазмаси ташкил этилди.



Унда Марказий сайлов комиссияси, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Бадиий академия мутасаддилари, иқтидорли ёшлар, республика тарғибот гурӯҳи аъзолари иштирок этиди.

Ёшларнинг мамлакат миёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, уларда бош қомусимиз ва қонунларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш, бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида ёш сайловчilar, айниқса, илк бор сайловда қатнашадиган



йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссini тарбиялаш мақсадида ташкил этилган расмлар танловида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн инститuti, Республика

рассомлик коллежи, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳамда бир қатор санъат мактабларининг 400 нафарга яқин иқтидорли талаба ва ўкувчилари иштирок этиди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари — таникли рассомлар томонидан ёшлар учун мавзу доирасида мастер-класслар ташкил этилиб, танловга старт берилди.

Тадбир иштирокчilarининг ижодий ишлари мутахassislarдан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ҳамда энг сара ижодий ишлар муаллифлари рафбатлантирилади.

Шоира НАМОЗОВА

вий аҳборот воситаларидағи фаоллик даражаси, чиқишлиниг савияси, таъсирчанлиги, нутқ маҳорати, таъсирчанликка эришиш йўлидаги изланишлари, тажрибаси ва ўзига хослиги, юртимиз ва дунё ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги энг сўнгги маълумотлардан боҳабарлиги каби жиҳатларга эътибор қаратилди.

«Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчisi» кўрик-танловининг якуний босқичи ҳар йилидан да қизиқарли ва таассуротларга бой кечди. Голибларни аниқлаш ҳайъат аъзолари учун осон бўлмади. Шунга қарамай, фаоллар ичидан энг саралари аниқланди. Яъни Қарши педагогика коллежининг учинчи курс ўқувчи Наргиза Усмонова биринчи, Кўкон сервис ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқувчиси Азизахон Аҳмедова иккинчи, Гулистон давлат университети ўқитувчиси Нуриддин Сайдқулов учинчи ўринга муносиб деб топилди.

— Кўрик-танловда голиб бўлиш учунгина иштирок этмадим. Ака-опаларимдан анча нарсаларни ўргандим. Кайфиятим аъло. Негаки, меҳнатинг қадр топса, янада жўшқинлик билан ишлагинг, излангинг келади. Узоқ Қашқадарёдан отам мен билан бирга келди. Уларнинг ишончини оқладим. Бундан кейин ҳам тенгдошларимга, ёшларга, халқимизга маънавият зиёсини улашишдан чарчамайман, — дейди танлов голиби Наргиза Усмонова.

**Майсара НАЗАРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

Bunyodkorlik

Жарқўрғон қурилиш-гидротехника касб-хунар коллежи туман марказида жойлашган, бу ердан узоқроқ ҳудудда яшовчи ўқувчилар учун таълим даргоҳига қатнаш қишининг қирорли кунларида мушкуллик туғдирарди. Яқинда бу муаммога чек кўйилди. Туманинг Дехқонобод қишлоғида колледжнинг яна бир биноси бунёд этилди. Энди Дехқонобод ҚФИга қарашли маҳаллаларда яшовчи ўғил-қизлар таълим муассасасининг ушбу филиалида ўқиш имкониятига эга бўлди.

## Янги иншоотлар — юрт кўрку

киз нафар ёш ўқитувчи иш билан тамилланди, — дейди коллежнинг биология фани ўқитувчиси Наргиза Химматова. — Муҳими, мана шундай муҳташам бинода ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, меҳнат қилиш биз, ёшларга янада фарҳ бағишлиди.

Ушбу МЧЖ қурувчилари томонидан яна бир иншоот — Сариосиё туманида 200 ўринга мўлжаланган поликлиника биноси ҳам қурилиб фойдаланишга топширилди. Бир миллиард 695 миллион 797 минг сўм маблағ сарфланган мазкур муассаса қурилишида жамиятнинг юз нафарга яқин моҳир қурувчиси меҳнат қилди.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
«Turkiston» мухбири**

# ҲАЁП ВА МУҲАББАТ КҮЙЧИСИ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Устознинг самимияти, одамжонлиги, камтарлиги барчани лол қолдиради. «Саодат» журналининг бош муҳаррири Зулфияхонимнинг муайян қабул кунлари бўймасди. Шоира қизларни, айниқса, вилоятлардан келган тортиночоқ қизларни даррор қабулига чорлар, бағрига маҳкам босиб, пешонасидан ўпари. Машқларини ўша заҳотиёқ ўқиб, бўлимга чиқарар, журналнинг навбатдаги сонига режалаштириши топширилар эди. У кишини кўргани келган шоир ва ёзувчиликар, адабиёт ихлосмандлари билан узоқ сухбатлашарди.

Зулфияхоним билан ишлаш осон эди. Барчанинг фикрини тинглар, маъкулини олар, номаъқул бўлса мулойимлик билан тушунирарди. Сезигр ва кўнгилчан шоира ходимларнинг ахвол-рухиятини бир қарашдаёқ англар, боисини суриштирас, мушкулини осон қилишга интиларди. Жамоа билан туғишганлардай қадрдан бўйли кетган эди.

Зулфияхоним шеър ўқиганида одамлар жон кулоги билан тингларди. У бу меҳр-муҳабbat ва ихлосни ҳис қилиб, бундай анжуманлардан завқ, куч-кувват оларди. Халқ муҳаббати билан баҳтиёр эди, юрагида тутаб ётган хижрон дардларини шу кудрат билан енгидяшарди. Устоз сабр-тоқат, матонат, вафо-садоқатнинг гўзал тимсоли эди.

**Аёл баҳти!**

**Мендек аёл баҳтига**

**Тақдир маликани кўрганини лошик?**

**Халқ меҳрида, ёрман эл шуҳратига,**

**Баҳтили аёл деса, ҳақли ҳалойиқ.**

Шоира 1994 йили «Дўстлик» ордени билан тақдирланганида жуда суюнган эди.

1995 йил май ойида Зулфиянинг 80 йиллик юбилейи байрамга айланиб кетди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Зулфияхонимга кутловномаси матбуотда эълон қилинди.

Табрикномада шундай жумлалар бор эди:

«Сиз Гулбаданбегим, Зебуннисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги погонага кутардингиз. Мехрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъодлар баҳраманд бўйдилар.

Истиқлол руҳи сизни, ижодингизни янада яшартириб юборди. Мафтункор шеъриятингиз ёшлик нафаси билан қайта учқунланди.

Сизнинг, эл ардоғидаги етук ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ноширмуҳаррир ва жамоат арбобининг таваллуд куни миллий байрам сифатида нишонланиши мустақил давлатимиз ҳаётида катта воқеа. Бу қутлуғ сана истиқлол замонида, ёруғ кунларда ўтаётгани миллионлаб мухлислингизнинг кувончига қувонч қўшиши жуда табиийдир».

80 йиллик юбилейи Зулфия опани яшартириб юборди, яна шон-шуҳратга чулгади. Шоира ўша йили «Хотирам синиқлари» достонини эълон қилганида адабий жамоатчилик, олимлар, саксон ёшда ҳам шунчалар ўтили, алангандостон битиш мумкинни, деб ҳайратга тушганди. Зулфия мустақиллик, эркинлик, чинакам ҳуррият келганидан ва уни кўришга, кутлашга мусяссар бўлганидан баҳтиёр эди. Гуриллаб ижтимоий фаолият майдонига чиқаётган ўзбек хотин-қизларининг овозини ёлқинли шеъриятига омихта қилди.

Юбилей кечасида «Туркистон» саройини ларзага солиб ҳаяжон билан ўқилган шеър — «саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтнинг» тафти ҳалқимиз кўнглида истиқлолга садоқат туйгулашарни мустаҳкамлади.

**Хуррият, келдинг-эй,  
наҳотки келдин,  
Келар ўйларингда пинҳона толдим.**

**Менинг ота-онам, жон Ватанимда,  
Элим тақдирда абадий қолдинг!**

Шундай комил ишонч ва ифтихор билан ёзган эди ҳалқимизнинг ёруғ кунларидан шод бўлган шоира.

Зулфия опа қанчаларимизга елкасини тутиб, ижод сўзмокларидан опичлаб олиб ўтиб, юксакликларга кўтарди. Панохига олиб, ҳимоя қилди. Ҳаволаниб кетганимизда онамиздай тергаб, қийинчиликлардан довдираб қолганимизда меҳру эътиборини аямади. Туғилган кунларида факат гул кўтариб борардик. Гулларимизга таъриф бериб, меҳр билан нозик гулдонларга солар ва Ҳамид Олимжоннинг портрети ёнига қўяди.

1 март — Зулфиянинг таваллуд айёми мушоирага айланиб кетарди. Ҳар биримизни таърифлаб, сўз берар ва мушоирага чорларди. Аввал Ҳамид Олимжондан ўқирдик: тўрда кўр тўкиб ўтирган шоира яшарив кетар, шеърни биз билан бирга тақорларди. Сўнг Зулфияндан ўзимиздан ўқирдик.

Устознинг меҳмонлари ҳалқимизнинг фозила оқила аёллари эди. Гулга, шеър завқига чулғанган хона дунё қадар кенгайиб кетар, ундаги меҳру муҳаббат, вафо-садоқат шульалари юракларимизга ҳорорат соларди.

Зулфия опа меҳрда меҳр билан жавоб қайтарар, илтифотли эдилар. Бирор газета ёки журналда шеърлари чикса, дарҳол қўнғироқ қилиб миннатдорлик билдиради. Байрамлар арафасида дўстлари, мухлисли, шоир ва ёзувчиларга табрикномалар ўйларди. Уларнинг ёнларига икки оғиз илик сўз, икки сатргина чироили шеър қўшиб қўядилар. «Янги шеърларингизни соғиндим», «Сизни ардоқлаб», «Ёрқин ва гўзал илҳом тилайман», «Нега камнамосиз» каби самимий сўзлар ўз қўллари билан ёзилган бўларди. Турли вилоятларимизда камол топаётган шоира қизлардан мактублар келарди. Уларнинг барчасига жавоб ёзарди.

Зулфия опа жуда андишали, ҳаёли,

ҳар бир сўзини етти ўйлаб бир гапирадиган инсон эди. Бу жиҳат таҳрирларида ҳам сезиларди. Инсон муносабатлари пардали сўзларда акс этиши керак, ҳар бир инсоннинг ҳис-түйғулари илохий, муқаддасидир, дердилар. Ҳеч қачон баланд овозда кулгандарини, бирорни камситганларини кўрмаганимиз. Гийбатни-ку умуман ёқтирасидилар.

Оила, фарзандлари, набираларига меҳрибон она эдилар. Қизлари Ҳулкар опанинг дилбарлиги, саранжом-саришталигидан, шеърларни равон чиройли ёд айтишларидан суюндаридилар. Үғиллари Омон аканинг хурмат-эътиборидан бошлари осмонга етарди.

Шеърият Зулфиянинг юрагини катта олам, олис ўйлар билан боғлади. Таникли шоира, жамоат арбоби сифатида жаҳон минбарларида сўз айтди. Унинг «Мушоираси» шеъриятни инсоният баҳту садати, тинчлиги ва дўстлигининг буюк элчиси мақомига кўтарди. Поэзиянинг жозибаси, ўзбек тилининг камалак ранглари дунё ҳалқарининг тилига кўди.

Истиқлол Зулфия номини абадиятга муҳради. Унинг мунаввар сиймоси шахримизнинг сўлим гўясасида қад кўтарди. Ҳар йили баҳорнинг илк кунларида кўксиди Зулфия сиймосини порлатиб навніҳол Зулфиялар сафимизга кириб келади. Шоиранинг ёрқин овози, ёшлиги бўлиб қўзимизни қувонтиради. Зулфиянинг боғларида навқиронлик, меҳрмуҳаббат, садоқат, нафосат, Ватанга эътиқод чечаклари очилаверади.

Элимингизнинг ардоқли шоираси, замондан миннатдор Зулфиянинг ифтихор тўла овози яна кулогимда жаранглайди:

**Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,  
Асли Сиз офтобим, мен зиёсман.  
Тонгларингиз кулсин дориломон, хур,  
Бахтим шул —  
ўзбекнинг Зулфиясиман.**

**Ойдин ҲОЖИЕВА,  
Ўзбекистон ҳалқ шоари.  
(ЎЗА)**

Ta'limda yangilik

## БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА МУЛЬТИМЕДИАЛИ ДАРСЛАР КЎПАЯГУ

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мактаб ўқитувчилари учун биринчи маротаба мультимедиа иловали методик қўлланмалар яратилди. Улар 1-синфлар учун саводхонлик дарслари, она тили, ўқиши, математика, атрофимиздаги олам, рус тили ва адабиёти фанларини илғор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўтиш имконини беради.



Ёрдамчи адабиётлар 410 минг нусхада чоп этилиб, мактаб кутубхоналарига етказилди, деб хабар беради. Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати. Ҳар бир қўлланмага замонавий дарс ишланмалари, интерфаол ўйин машгулотлари ва бошқа мультимедиали ресурслар ёзилган диск иловада қилинмоқда.

Давлат таълим стандартига кўра, юртимиздаги бошлангич таълим болани ақлий жиҳатдан ривожлантириши, мантиқий тафаккур ва эркин фикр юритиш, бошқалар фикрини англаш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда равон баён

қилишга ўргатиши, дунёқараш ҳамда коммуникатив саводхонлигини шакллантириши керак.

Бошлангич синф ўқувчила-рига оддий, осон ва кам вақт сарфланадиган ўйин машқла-ридан фойдаланган холда дарс ўтиш айниқса самаралидир. Методик қўлланмаларни ишланмалаб чиқкан Тошкент давлат педагогика университети олимлари, услубчи ва ўқитувчиларидан иборат ижодий гурӯҳ бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратди.

Бошлангич таълим боланинг саводини чиқаришдан бошланади, — дейди Респубу-

лика таълим маркази директо-рининг биринчи ўринбосари Абдуманноп Собиров. — 1-синф ўқув режасига шу бўйича алоҳида фан киритилган. У икки қисмдан: «Алифбе» ва «Ёзув» дарсларидан иборат. Саводхонлик дарслари учун яратилган мультимедиали ишланмаларда ўқитувчиларни ўйинли шакллари ва медиатехнологиялардан кенг фойдаланилди. «Ўқиш» методик қўлланмасидан эса 21ta дарс ишланмаси ҳамда «Ўқиш китоби» дарсларининг мультимедиали иловаси ўрин олган. Иловада кўплаб анимация, видеолавҳа, қўшиқ, луғат ўйин, тест топшириқла-

ри мавжуд. Ушбу материаллардан янги мавзуни тушунириш, мустаҳкамлаш ва тақорлаш жараёнида кенг фойдаланиш мумкин. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг таълим олиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Математика фанидан ҳам ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма математик нутқи, тафаккури, хотираси ва математик тушунчалар ҳақиқати тасаввурларини шакллантириш, мустақил фикрлаш, изланиши ва хуласалар чиқаришга ундаш, дарсдағи фаоллигини оширишга қаратилган бир қанча мультимедиали дарс ишланмалари

тайёрланди. Уларда ўқитишининг ўйинли шакллари, интерфаол методлар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган. Методик қўлланманинг мультимедиа варианти анимация, мультфильм, тест топшириқлари, мантиқий масалалар, дам олиш дақиқалари учун мўлжалланган видеоматериаллардан ташкил топган.

Она тилидан яратилган методик қўлланмада 26ta дарс учун мультимедиали иловада тақдим этилади. Дарс жараёнида ўқитувчи мавзуни шу иловадаги анимация ва видеолар, электрон тест топшириқлари, мультфильмлар воситасида ўйинли тарзда тушунириади.

«Атрофимиздаги олам» мультимедиали иловада шу фандан дарсларни видео лавҳалар, мультфильмлар, анимациялар, дидактикаш ҳақиқати машқ ва ўйинлар, бошқотирмалар, тест топшириқлари, дам олиш дақиқалари учун кўшиқлар асосида самарали ташкил этиш усууллари ёритилган.

Бундан ташқари, «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ яратилган рус тили ва адабиёти фанларидан методик қўлланмалар ҳамда уларнинг мультимедиа иловалари, 1 — 4-синфлар учун саломатлик дарслари фанидан ўқув дастури ҳамда 5 — 9-синфларда ўтиладиган соғлом авлод асослари фанидан мультимедиали методик тасвиялар ҳам ўқитувчиларда катта қизикиш уйғотади.

**Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

# Илм-фан тараққиётнинг асосидир

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

— Тошкент давлат техника университети нафакат техника ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган етакчи олий таълим муассасаларидан, шу билан бирга илм-фан ва ишлаб чиқариши ривожлантирища ҳам йирик илмий-тадқиқотлар маркази ҳисобланади. Айни пайтда университетда қандай илмий изланишлар олиб борилмоқда?

— Университетимизда бакалавриат бўйича етти, магистратура бўйича ўн беш йўналишда кадрлар тайёрланмоқда. Кейинги йилларда университет давлат бюджети ва саноат корхоналари томонидан молиялаштирилган иккى юздан ортиқ лойиҳаларни амалга оширеди. Унинг натижасида ўнлаб монография, дарслик, ўкув қўлланмалар чиқарилди ва ўкув жараёнига татбиқ этилди. Ҳозирда таълим муассасамизнинг олимлари Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари билан шартнома асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар қўлами кенг бўлиб, ҳар иили кафедраларимиз томонидан 500-600 миллион сўмлик илмий тадқиқотлар амалга оширилади. Тадқиқотларда тўртинчи курс талабалари, магистрантлар, изланувчи ва мустақил тадқиқотчилар иштирок этади. Университетимиз корхоналар билан корпоратив ҳамкорликда маълумотлар базасини яратган. Унда корхона учун долзарб бўлган муаммолар базаси мавжуд бўлиб, уларнинг ечимини топиш учун илмий тадқиқотлар олиб борилади. Магистрлик диссертацияси мавзусини талабанинг ўзи танлайди. Бу жараён унинг илмдаги дастлабки дадил қадами хисобланади. Кон-металлургия соҳасида илмий тадқиқот ўтказишни кўя турайлик, бу соҳада меҳнат қилишнинг ўзи кишидан нафакат чукур билим ва кўникма, балки мустахкам ирова, кучли руҳий тайёргарларни талаб қиласи. Чунки байзода ернинг минг метргача бўлган чуқурилигда иш олиб боришга тўғри келади. Шундай мұхитда ишлаш учун тадқиқотчи ҳар томонлама тайёр бўлиши керак. — Мана шу талабларга жавоб берадиган ёшларнинг кўплиги бизни мамнун қиласи.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан жорий йилнинг 27-29 ноябрь кунлари Тошкент давлат техника университетида «Кон-металлургия тармоғининг муаммолари ва инновацион ривожланиши йўллари» мавзууда ҳалқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади. Унда Словакия, Вьетнам, Россия, Қозогис-

тон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан олим ва мутахассисларнинг қатнашиши кутилмоқда. Ҳалқаро конференциянинг айнан Ўзбекистонда бўлиб ўтиши юртимизда бу соҳа қай даражада равнақ топаётганинг исботидир. Шундай эмасми?

— Инновация янгиликка интилиш, уни амалиётда қўллаш деганидир. Биз мустақилликкача бу сўзни билмас эдик. Бугун ҳар бир соҳада янгиликни кузатиш мумкин. Саноатнинг асосий таянчларидан бўлган кончилик ва металургия тармоқлари ҳам истиқбол шарофати билан ривожланди, модернизация қилинди, уларга инвестициялар жалб этилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти, Дехқонобод калий ўғитлари заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати — бу корхоналарнинг барчасида янгиланиш юз берди. Илгари қандай маҳсулот чиқарсангиз, у жаҳон талабларига жавоб берадими, йўқми, сотилар эди. Янгиликка кўл уриш, жаҳон даражасига кутарилишга интилиш деган нарса бўлмаган. Механизм шундай эди. Бугун ахвол бошқача. Корхоналаримиз замон талаблари асосида ишлайти. Ўзбекистонда миллий инновацион тизим мавжуд бўлиб, у давлатимиз томонидан мунтазам қўллаб-қувватланмоқда. Соҳага оид қатор қарорлар қабул қилинган. Натижада ривожланиш янги босқичга кўтарилди.

Мазкур конференция кончилик ва металургия тармоқларининг инновацион тараққиётини қўллаб-қувватлаш ва уни таъминлашга қаратилган. Унинг асосий тоғаси ер ости бойликларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш, муҳофаза этиш, қайта ишлаш хамда тайёр маҳсулотга айлантириш технологиясини тақомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар натижасини оммага етказишдан иборат. Шунингдек, анжуман устозимиз, Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби, Фанлар академияси академиги Вахоб Раҳимовнинг хотираси ва 80 ийлигига бағищланади. Кончилик илмини ривожлантириш, бу соҳада мутахассисларни тайёрлашда устознинг хизматлари жуда катта.

— Конференцияда ёшларнинг иштироки қандай бўлади?

— Илмий-амалий анжуманда тўртта долзарб соҳага оид илмий тадқиқот ишларининг якунлари қўрилади. Ер ости бойликларидан комплекс ва оқилона фойдаланишнинг кон-геологик, геомеханик ва маркшайдерлик жиҳатлари, ер ости бойликларини ўзлаштиришнинг экологик ва замонавий технологик муаммолари, металurgия ишлаб чиқариш ва



Рустам Назарматов олган сурʼат

минерал ҳомашёни қайта ишлаш технологиясини ривожлантириш истиқболлари, кон-металлургия ишлаб чиқаришни модернизациялаш, механизациялаш ва автоматлаштириш муаммолари шулар жумласидан. Унда ўттиздан зиёд мамлакат олимлари, ўзбекистонлик 150 нафардан зиёд тажрибали олим ва эллик нафардан ортиқ ёш тадқиқотчининг илмий ишлари натижаси эълон қилинади. Конференцияда, айниқса, магистрларнинг ишларига алоҳида аҳамият қаратилган. Чунки улар учун бундай нуфузли анжуманда қатнашишнинг ўзи катта воқеа. Дунё олимлари қаршисида туриб, ўз ишини ҳимоя қилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Конференция ёш олимларга шундай имкониятни тухфа этади.

Давлатимиз томонидан анжуманда иштирок этадиган чет эллик меҳмонлар учун барча кулаги шароитлар яратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Геология ва кончилик йўналишида таҳсил олаётган талабалар амалиётларини қаерда олиб боради? Умуман, университетда ёш олимлар билан ишлаш тизими ҳақида тўхтасангиз.

— Бу тизим яхши йўлга кўйилган. Ҳусусан, илмий тадқиқот ва инновацион бўлим ташкил этилган. Илмга иштиёки баланд ёшларни танлаш, уларга мавзу бериш ва тарбиялаш, пировардида ҳимояя олиб чиқиш — бу каби вазифалар кафедра ўқитувчилари зиммасига юқлатилган. Кафедралардаги фан докторлари, академиклар ёш олимлар билан ишлайди. Устоз-шоғирдлик анъанаси яхши йўлга кўйилган.

Геология ва кончилик факультетида иккى минг нафарга яқин талаба таҳсил олмоқда. Уларни амалиётга йўналтириш тизимли олиб борилади. Биринчи ва иккинчи курс талабалари учун ўкув амалиёти университетнинг ўкув по-

лигонларида амалга оширилди. Учинчи курс талабалари малакавий амалиётта жалб этилади, тўртинчи курс тала-балари учун биринчи чоракда битириув-малакавий иши олди амалиёти, кейин битириув-малакавий амалиёти ташкил этилган. Талабаларимиз Олмалиқ, Навоий, Дехқонобод, Ангрен ва Бекободдаги корхоналарда танлаган мутахассислиги бўйича ишлайди. Имкон доирасида ишлаб чиқаришда иштирок этади. Амалиётдан кейин эса на-тижаларни сарҳисоб қилиш мақсадида конференция ташкил этилади. Талабалар ўзла-рининг қилинган ишлари, ўрган-ган фаолияти ҳақида фикр алмашади. Ишлаб чиқаришда учраётган муаммолар мухокама қилиниб, уларнинг ечими юза-сидан тадқиқот ишлари олиб борилади. Шу йўллар билан амалиётни ҳам қизикарли, ҳам фойдали ўтказишга ҳаракат киламиз.

— Ёш олимларнинг илмий тадқиқотлари амалиётта қандай татбиқ этилади?

— Баъзан билиб-бilmай, «Илмий иш бажарилди ва амалиётта татбиқ этилди» деган но-түғри ибора ишлатилади. Бу гап ҳўжалик шартномаси асосида иш олиб борган тадқиқотларга тегиши. Кончилик ва металургия соҳасидаги диссертациялар эса амалиётта татбиқ этилиб, иқтисодий самара олингандан кейингина ҳимояга тавсия этилади. Илмий иш қилинганда шундай тартиб белгиланганки, диссертация ишидан олинган иқтисодий самара кўрсатилиши шарт. Бу масала мухокамаларда кўриб чиқилади. Ҳеч бўлмаганди, қисман амалиётга татбиқ этилиши лозим.

Яна шундай илмий тадқиқот ишлари борки, улар давлат гранти асосида амалга оширилади. Унда долзарб муаммолар базасидан муайян бир масала танланиб, ёш тадқиқотларга ечимини топиш мақсадида берилади. Давлат томонидан молиялаштирилган бу каби ишларда тадқиқотчи маълум муд-

дат ичиди шу муаммонинг ечи-мини топиши керак. Бу ҳам ёшларга яратилаётган кенг им-кониятлардан биридир.

— Ўзингизнинг илмий фаолиятингиз ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз.

— Соҳада қирқ йилдан бери фаолият юритиб келяпман. Ҳозирда иккى йўналишда иш олиб боряпмиз. Бугунги кунда юртда кўмур саноатини ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли кафедрамиздаги битта йўналиши кўмур соҳасидаги тадқиқот ишларига бағишиладик. Айни пайтда иккита магистрант шоғирдим шу соҳадаги долзарб масалалар юзасидан илмий изланяпти. Давлатимизнинг қўллаб-куватлаши натижасида «Ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш муаммолари» номли илмий ўкув ва ишлаб чиқариш маркази тузилди. У марказ 2015 йилдан ўз фаолиятини бошлайди. Марказда ер ости бойликлари билан боғлиқ муаммоларга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Инженер-техник ходимларнинг малакасини ошириш ҳам мухим масалалардан бўлиб қолмоқда. Шу сабабли марказ қошида фаолиятимизнинг бир турини малака оширишни ташкил этишга йўналтиридик. Унда кончилик соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириб борамиз.

Ўзбекистонда янги — саноат хавфсизлиги соҳаси пайдо бўлди. Бу соҳада юртимизда мутахассис тайёрланмаслиги сабабли унга ёндош соҳалардан шундай кадрларни тайёрлаш йўлга кўйилмоқда. Марказда мазкур соҳа бўйича эксперталарни тайёрлаш, саноат хавфсизлиги соҳасидаги ҳам илмий ишлар олиб борилади.

Назокат КУРБОННИЁЗОВА,  
«Turkiston» мухбири

## Xalqaro forum

# Болаларнинг ижтимоий ҳимояси эътибор марказига

Пойтахтимизда «Болалар учун ижтимоий ҳамкорлик: миллий ва халқаро тажриба» мавзуида халқаро форум бўлиб ўтди. Нуфузли анжуманда Олий Мажлис сенатор ва депутатлари, халқаро ташкилотлар, давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари, хорижий ҳамда маҳаллий экспертлар иштирок этди.



Болаларнинг ижтимоий ҳимояси масаласига бағишланган халқаро форумлар юртимизда 2005 йилдан бўён мунтазам ўткашиб келинмоқда. Навбатдагиси «Бола ҳукуқлари тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинганига чорак аср тўлган вақтга тўғри келди. Мазкур конвенцияни Ўзбекистон 1992 йилда ратификация қилган. Унинг асосида «Бола ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ишлаб чиқишиб, амалиётга татбиқ этилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Умуман олганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар ижтимоий ҳимояси бўйича мустаҳкам қонунчилик базаси ҳамда ўзига хос тизим яратилди. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ кўп болали оиласлар, жисмоний имконияти чекланган, етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича йирик дастурлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон тажрибасини халқаро ташкилотлар мутахассислари муносаб эътироф этмоқда. Хусусан, форумнинг ялпи мажлисида сўз олган ЮНИСЕФ эксперти, руминиялик социология фанлари доктори Смаранда Попа миллий қонунчилигимизда фахрланса арзидиган нормалар борлигини қайд этди.

— Ўзбекистонда яқиндагина кучга кирган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун менда катта таассурот қолдириди, — деди у. — Унда «ижтимоий шериклик» тушунчаси анча кенг маънода талқин этилади. Яъни мазкур жараёнга нафақат давлат органлари, балки нодавлат

ташкилотлар, ҳатто бизнес тузилмалари жалб этилиши мумкин. Болаларнинг ижтимоий ҳимояси масаласига ҳам шу жиҳатдан ёндашилмоқда. Бу анчайин самарали йўл.

2014 йилнинг 25 сентябринда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун аҳолининг турли қатламларига алоқадор ижтимоий муаммолар, шу жумладан, етим ҳамда имконияти чекланган болаларнинг ижтимоийлашуви муаммосини ҳал этишда давлат ва жамият ўртасида амалий диалогни бошлишга туртки берди. Қонун борасида ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Роберт Фудерич ҳам ижобий фикр билдириди.

— Ўзбекистонда болаларнинг ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш, ривожланиши учун қулай муҳит яратиш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари биргаликда ҳаракат қиласи, — деб таъкидлadi Р.Фудерич. — Бу ҳолат «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган. Бола учун энг мақбул муҳит, шубҳасиз, оиладир. Шу туфайли ЮНИСЕФнинг болалар ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган барча дастурлари марказида оила туради.

Болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган. Ижтимоий шериклик эса таълим, соғлиқни сақлаш, ҳукуқни муҳофаза қилиш каби муҳим компонентлар бўйича масъул давлат ва фуқаролик жамиятни институтлари саъй-ҳаракатини ягона мақсад атрофида бирлаштиришнинг ниҳоятда самарали механизми экани жаҳон тажрибасидан яхши маълум.

Халқаро форумнинг очилишида хорижий экспертлардан таш-

кари, Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов, Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Алишер Ваҳобов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринbosari Шерзод Матиев, Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов ҳам ўз маърузаларини тақдим этди.

Ялпи мажлисидан сўнг форум иши учта шўъбада давом этди. Иштирокчилар алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг ижтимоийлашуви бўйича инновацион стратегия, ота-она қарамогисиз қолган болалар ҳақида фамхўрлик қилишнинг институционал тизимини модернизациялаш ҳамда вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳукуқбузарлиги профилактикаси юзасидан ижтимоий шериклик масалаларини атрофлича муҳокама қилиб, ўзаро тажриба алмашди. Эксперт-мутахассислар ҳамда давлат органлари вакиллари ўртасидаги конструктив мулоқот ижтимоий шериклик соҳасида келгусидаги ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш, унинг самарали усусларини идораларро даражада ривожлантириш орқали ўзаро муносабатлар тизимини шакллантириш, шунингдек, болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг миллий тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тўплаш имконини берди.

Халқаро форум натижасида ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги мақола ва тезислар тўплами чоп этилди.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosari А.Икромов сўзга чиқди.

**Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

## 1 savolga 1 javob

Меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳнома қай йўсинда олинади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Ўтқирбек Холматов,  
Фарғона вилояти**

**Саволга Зангита туманидаги 6-давлат нотариал идораси нотариуси Ҳабибулло Пўлатов жавоб беради.**

Мерос (ворислик) ваяфот этган деб ҳисобланади, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақирилади.

Агарда биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир кун (24 соат) ичida ваяфот этган бўлса, улар бир вақтда

вояфот этган деб ҳисобланади, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақирилади.

Мерос қолдирувчининг охирги доимий

яшаб турган жойи (пропискаси бўйича) мероснинг очилган жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегиши бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Мерос очилган пайтида ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган фарзандлари ваяфот ва қонун бўйича ме-

росхўр бўлиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка оловчилир) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўр ҳисобланади.

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳукуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳукуқ тўғрисида гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилади.

## Xabarlar

«Камолот» ЁИХ томонидан ёшларни давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда мунтазам равишда турли тадбир ва учрашувлар ўтказилмоқда.

## «Камолот»чилар депутатлар билан учрашди

Ана шундай учрашувлардан бири парламент биносида бўлиб ўтди. Унда депутатлар ҳамда Фарғона давлат университетидан келган «Камолот»чилар иштирок этди.

Учрашувда депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, ёшларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳамда қонуности ҳужжатларининг яратилиш жараёни, уларнинг аҳамияти ҳақида тушунчалар берди.

Тадбир якунида ёшлар депутатларнинг фаолияти билан яқиндан танишди.

**Жавлон ВАФОЕВ,  
«Turkiston» мухбири**

## Тафаккур энг яхши курол

Бухоро автомобиль ва йўллар касбхунар коллежида «Ёшларни огоҳликка чорлаймиз» мавзуида давра сұхбати бўлиб ўтди.

Коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда бугунги куннинг мағкуравий киёфаси, инсон қалби ва онги учун кечётган курашлар, ахборот хавфсизлиги каби долзарб мавзуулар муҳокама қилинди.

— Озгина лоқайдлик ҳам буғунги глобаллашув даврида жуда қимматга тушиши мумкин. Фақат юксак маънавиятни, илму тафаккурни курол қилган инсонгина ўзлигини йўқотмайди, — деди шахар бош имом-хатиби Отабек Аvezov. — Бу жа-

раёнда асосий эътиборни фарзандларимизга қаратиш, уларни турли маънавий хуружларга қарши ўз ақл-заковати, билими билан жавоб берадиган авлод қилиб тарбияларимиз лозим.

Давра сұхбатида миссионерлик, диний ақида-парастлик каби иллатлар, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида мухим маълумотлар берилди.

**Манзура РАУПОВА,  
Бухоро автомобиль ва йўллар касбхунар коллежи ўқитувчиси**

## Соғлом турмуш тарафдоримиз

«ОИТС — аср вабоси!». Қорақалпок давлат университетида ўтказилган тадбир шундай номланди.

Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни бундай иллатлардан оғоҳ этиш мақсадида ташкил этилган тадбирда профессор-ўқитувчилар, Ибн Сино номидаги саломатлик маркази ходимлари, «Камолот» ЁИХ фаоллари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди. Тадбир давомида мавзууга доир маъruzalar тингланди, саҳна кўринишилари намойиш этилди.

Иштирокчиларнинг саволларига Ибн Сино номидаги саломатлик маркази мутахассислари жавоб берди.

Тадбир сўнгидаги талабалар ўтасида ёшларнинг маънан баркамол, жисмонан соғлом бўлишига қаратилган «Мен ОИТСга қаршиман!» мавзуида мақолалар ҳамда расмлар танловини ўтказишга келишиб олинди.

**Хурлиман НУРЖНОВА,  
Қорақалпок давлат университети талабаси**

# Жаҳон опера юлдузлари Ўзбекистон саҳнасида

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицеида танловнинг саралаш босқичи ўтказилди. Унда Ўзбекистон давлат консерваториясининг қирқ нафардан зиёд талаба ва битирувчиси, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг хонанда ҳамда стажёрлари XX асрнга яратилган опера асарларини италян тилида ижро этиш бўйича ўз истеъодини намойиш этди.

— «Competizione dell' Opera» танлови ёш опера чиларга катта имконият яратиб бермоқда. Ҳар бир иштирокчи дунёнинг нуфузли саҳналарида ўз ижроси билан катнашиш, юксак чўқилярни забт этишга бўлган иштиёкини намоён этди. Шу жараёнда тажриба алмаси эса, энг муҳим жиҳатлардан бири деб ўйлайман, — дейди республика ва халқаро танловлар совриндори Шахноза Ибрагимова. — Нуфузли танловда иштирок этаётганимиз катта аҳамиятга эга. Мен ярим финал босқичида «Турандот» операсидан «Лиу» ариясини ижро этдим.

Ўзбекистонда опера санъатининг юксалиб бораётгани ва бу соҳада ижод қилаётгани истеъодиди ёшларнинг кўп экани кучли рақобат муҳитида ўтган саралаш босқичида ўз тасдиини топди.



ЎзА фотомухбири Ёлқин ШАМСИДИННОВ олган суратлар

— Ёш опера чиларимиз танловга пухта тайёргарлик кўрганини намойиш этди. Голибликка даъвогарлар орасида халқаро танловлар галиб ва совриндорлари талайгина. Улар орасидан энг сараларини ажратиб олиш ҳакамларга қийинчилек туғдириди, — дейди танловнинг ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқаро атисти Аваз Ражабов.

Танлов нафақат дунёнинг барча қитъаларидан саралаш босқичларидан ўтиб келган ёш опера ижро чилари билан, балки ҳакамлар ҳайъати таркибида жаҳоннинг энг тажрибали ва кўзга кўринган опера юлдузлари борлиги билан эътиборга

молик.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Competizione dell' Opera» халқаро танлови ассоциацияси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри билан ҳамкорликда юртимида илк бор ўтказилаётган мазкур танлов мамлакатимизда опера санъати ва унинг намояндалари, шунингдек, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва рағбатлантиришга қаратилаётган эътиборнинг халқаро эътирофидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда санъат ва маданият, хусусан, классик

опера санъатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Булгун ўзбек операчилари жаҳоннинг қатор нуфузли танловларида ўзининг муваффақиятли иштироки билан дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда. 2012 йили Беларусь пойтахти Минскда ўтказилган «Competizione dell' Opera» танловида ватандошимиз Раҳим Мирзакамолов биринчи, 2013 йили Австрияning Линц шаҳрида ўтказилган танловда Рамиз Усмонов иккичи ўринни кўлга киритгани сўзимизнинг яққол исботидир.

**Парвина ОМОНОВА,  
«Turkiston» мухбири**

2014-yil — Sog'lom bola yili

## БИЗ, ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ – УМИД НИҲОЛЛАРИМИЗ

«Туркистон» саройида 23 ноябрь куни «Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз» шиори остида «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Ўтган йиллар мобайнинда ушбу юксак мукофотга сазовор бўлган ёш истеъододларнинг мусиқий дастури санъат ихломандлари эътиборига ҳавола этилди.

Мусиқа санъати воситасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ватанпарварлик, фидойилик, истиқлол гояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадрияларга ҳурмат руҳида тарбиялаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўллами ислоҳотларда устувор аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йилда таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти мусиқа хонандалиги ва ижрочилиги, хореография соҳасида изланаётган ёшларнинг ижодий фаoliyati янада юқори босқичга кўтариш, уларни моддий ва маънавий кўллаб-куватлаш, янги ижодий парвозлар сари руҳлантаришда муҳим аҳамият қасб этмоқда. Ушбу мукофот эстрада, мусиқа, мумтоз кўшик, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан юртошлимига манзур бўладиган асарлар яратища фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан

25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида берилаетир.

Бу йўналишдаги амалий саъиҳаракатлар одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ироди ва имон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган асарлар яратиш, мусиқа санъати ёш ихломандларининг бадиий-эстетик диди ва савиасини ошириш каби эзгу ишларга қаратилгани билан аҳамиятлиdir.

«Ниҳол» мукофоти билан тақдирланган кўплаб ёш хонандалар, ижрочилар, раккосалар юртимида тури мусиқий анхуманлар, байрам тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда. Энг куонарлиси, ёшларимизнинг халқаро миёсдаги нуфузли кўрик-танловлар, санъат фестиваларида кўлга киритгаётган ютуқлари салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

«Соғлом бола йили» давлат дастури ва Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимчага чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ истеъододли ёшларнинг мусиқий, бади-

й ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўлами тобора ортмоқда. «Ниҳол» мукофоти совриндорлари имкониятини тӯла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, уларнинг ижодидан кенг жамоатчиликни баҳраманд этиш мақсадида жорий йилнинг 31 октябрiddan 22 ноябрингача «Биз, Ватан фарзандлари – умид ниҳолларимиз» шиори остида мазкур мукофот соҳибларининг ҳисобот концертлари Коқақалпогистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юқори савиядада ўтказилди.

— Тинчлик ва осойишталик, ўзаро хурмат, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳроқибат барқарор бўлган юртда санъат ва маданият, илм-фан, маънавият ва маърифат ривожланади, — дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори, халқаро ва республика ёш ижрочилар танловлари гобили Қархамон Фуломжонов. — Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, соғлом, мустақил ва теран фикр соҳиби бўлиб vogta etishi, ўзларининг энг беғубор орзу-интилишлари ижбатини кўриши учун барча шароит яратилган. Бундай имкониятларнинг қадрига етиш, билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш бизнинг бурчимизdir.

**Назокат УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири**

Saylov — 2014

2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида «Сайловда иштирок этиш — менинг конституциявий хуқуқим» мавзусида давра сұхбати бўлиб ўтди.

## ЁШЛАР САЙЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти хуруридаги Давлат бошқаруви академияси эксперлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати масъул ходимлари ва фаоллари, оммавий аҳборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Ортикова ва бошқалар фуқаролар, шу жумладан, ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштироки демократик хуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини куришда муҳим омиллардан бири эканини таъкидлади. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дустури ижросини таъминлаш доирасида ёшларнинг сайлов кампаниясида фаол иштирок этиши, ижтимоий фаоллиги ва хуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тадбирда сўнгги йилларда сайлов қонунчилигига киритилган ва миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш, сайлов жараённинг очиқлик ва ошкоралик принципларини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига бағишиланган маърузалар тингланди.

Бундай янгиликларни ёшларга етказишида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати хам фаол иштирок этаётгани қайд этилди. Манбаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — давлат равнақи ва жамият фаровонлигининг хуқуқий кафолати» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида ҳаракат фаоллари «тэнгдош-тенгдошга» тамойили асосида жойларда ёшларнинг сайлов тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган анжуманлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, «Ватан келажаги сенинг қўлингда!» шиори остида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. «Юрагингдан овоз бер!», «Сенинг овозинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга!», «Биринчи марта овоз бераман!», «Фуқаролик позициянгни намоён эт!» мавзуларида видеороликлар, баннер ва буклетлар тайёрланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси каналлари, нодавлат теле ва радиостанциялар орқали сайлов қонунчилиги нормалари ҳақида ёш сайловчиларни хабардор қилиш, уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий роликлар эфирга узатилмоқда.

**ЎЗА**

Mutaxassis  
ogoh etädi

Биргина лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида юзага келадиган ёнгинлар халқ хўжалигига ва мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказиши мумкин. Шунингдек, оловдан ажралиб чиқадиган кўп миқдордаги заҳарли газлар атмосферага кўтарилиб, ҳаво таркибини ҳам бузади.

КУНДАЛИК  
ВАЗИФАМИЗ

Мамлакатимизда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ушбу соҳада юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, «тилсиз ёв»нинг олдини олиш ва бартараф этишга доир самарали ишлар амалга оширияпти.

Ҳар йили юртимизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказиб келинади. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳоли яшаш жойларида, корхона ва ташкилотларда тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришдан иборатdir.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиш. Фақатгина ойлик давомида эмас, ҳамиша хавфсизлик қоидаларига риоя қилишимиз лозим.

**Асом ҚАМБАРОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ  
28-ҲЁҲҚ инспектори,  
сержант

Tengdosh portreti

Шиҷоатли  
Шаҳодат

**Нукус олимпия заҳиралари спорт коллежи ўқувчиси Шаҳодат Жўллибое-ва эркин кураши бўйича Ўзбекистоннинг беш карра чемпиони, уч карра Осиё чемпионати совриндори. Бу йил эса Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини муносаб ҳимоя қилди.**

Аслида, унча-мунча спорчни медаллар «юқ»ини кўтара олмайди. Йўқ, гап медалларнинг сони ва неча килограмм тош босиши ҳақида эмас. Уларнинг ортидан

келадиган шухрат, обрў-эътиборни «кўтара» олмасдан, юлдузлик касалига чалиниб юрганлар жаҳон спортида кам дейизми? Яқинлари, мураббийлари, дўсту

дон, тўйхона, турли ташкилот билоларининг ташқи ва ички безаги учун гипсдан композициялар ясади. Моҳир уста-тадбиркор нафақат Навоий, балки қўшни Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан ҳам буюртмалар олади.

Бу йил Жаҳонгир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўтказган «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар кўрик-танловида ўз хунарини намойиш этди. Шунингдек, «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳасида қатнашиб, голиб бўлди.

— Банқдан имтиёзли шартлар асосида 45 миллион сўм кредит олдим, — дейди тенгдошимиз. — Кейинги йилдан хусусий корхона очаман. Бутун республика бўйлаб буюртмалар қабул қилиб, фаолиятимни кенгайтириш ҳисобига 20 нафаргача коллеж битирувчисини ишга олишим мумкин. Келгусида қурилиш моллари дўкони ва қандолат цехига ҳам сармоя киритиш ниятим бор.

**Наргиза БАҲОДИРОВА.**  
Носир Ҳайдаров олган сурат



дугоналарининг айтишича, илк бор елкасига сумкасини тақиб, спорт залига кириб келган Шаҳодат билан мамлакат чемпиони Шаҳодат деярли ўзгармаган. Яни у ўзининг ўша камтар, самимий, хушчак-чаклигини сақлаб қолган. Тўғри, у ўтган йиллар давомида дунёқараш кенгайди, кўп билим олди. Мұхими, нимаки ўрганган бўлса, уни факат яхшилик йўлида, юқсан мақсадлар учун сарфляяти.

— Шаҳодат иқтидорли шогирдларимдан, — дейди мураббий Азамат Примбетов. — Кўрсатмаларимга тўлиқ амал қилиш билан бирга, мустақил равишда ҳам шуғулланишини билади. Профессионал спортчининг вазифаси факат мураббий олдида топшириқларни бажариш эмас. Спорт формасини сақлаб туриш учун у ҳамиша тартибида амал қилиши керак. Шаҳодат ўз олдига катта мақсадларни кўйган, бу йўлда тинимиз сиз меҳнат қиласи.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**  
«Turkiston» мухбири.  
ЎЗА фотомухбири  
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар

## Biznesga ilk qadam



Жаҳонгир Тошпўлатов Қизилтепа агросервис касб-хунар коллежини тамомлаб, 2011 йилдан бўён якка тартибдаги

тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Ганчкорлик санъатини эгалланган. Шогирди билан бирга хона-

дон, тўйхона, турли ташкилот билоларининг ташқи ва ички безаги учун гипсдан композициялар ясади. Моҳир уста-тадбиркор нафақат Навоий, балки қўшни Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан ҳам буюртмалар олади.

Бу йил Жаҳонгир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўтказган «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар кўрик-танловида ўз хунарини намойиш этди. Шунингдек, «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳасида қатнашиб, голиб бўлди.

— Банқдан имтиёзли шартлар асосида 45 миллион сўм кредит олдим, — дейди тенгдошимиз. — Кейинги йилдан хусусий корхона очаман. Бутун республика бўйлаб буюртмалар қабул қилиб, фаолиятимни кенгайтириш ҳисобига 20 нафаргача коллеж битирувчисини ишга олишим мумкин. Келгусида қурилиш моллари дўкони ва қандолат цехига ҳам сармоя киритиш ниятим бор.

**Наргиза БАҲОДИРОВА.**  
Носир Ҳайдаров олган сурат

Зуқко муҳлисга  
савол:

«Бобурнома»да табиат манзараси чиройли тасвирланади, мамлакатлар, жумлалан, Ҳиндистон иқлими, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами ҳақида кўп маълумот берилган. Бу ўлкада бир мавсум борлиги, унда тинимиз ёмғир ёғиб, натижада дарёлар суви тошиб кетиши акс этган. Айтинг-чи, Бобур тавсифлаган ёмғир мавсуми Ҳинд диёрида нима деб аталган?

**Жавобингизни 28 ноябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган муҳлислар номи газетамизда эълон қилинади.**

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби:**  
**Тригонометрия.**

Термиз шаҳридаги 13-мактаб ўқитувчisi Гулчехра Ашурова тўғри жавоб йўллади.

## Тафаккур үзимонидан бир қатра

Ёлғон ўзи унча хавфли эмас, унинг ҳақиқатга ўхшаб кетиши хавфли.


**Асқад Мухтор**

## МУАССИС

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигига 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.



## БОШ МУҲАРРИР

Каримов  
Фахриддин Турдиалиевич

## Таҳrir ҳайъати

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи  
муҳаррир

Умарова  
Наргиза  
Баҳодировна

## Саҳифаловчи

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,  
Матбуотчилар қўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида, А-3 форматда  
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчи, 41.

Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1156.  
Адади — 6162

Босишига топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 02.55  
ЎзА якуни — 02.30

Оғсет усулида босилган.

1 2 3 4 5